



СОЛИҚ СОЛИШНИНГ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ

DSc, проф. Абдуллаев Зафаржон
Тошкент амалий фанлар университети
ORCID: 0000-0002-4827-1040
zafarjon1808@mail.ru

Аннотация. Мақолада солиқ солишнинг бизнес субъектлари фаолиятига таъсирлари кўриб чиқилган. Солиққа тортиш бизнес субъектлари фаолиятини ривожланишида катта аҳамиятга эга. Бизнес томонидан тўланадиган солиқлар миқдори ҳам харажатлар ҳажмига, ҳам ишлаб чиқариш таннархи даражасига, ҳам натижада нархларга бевосита таъсир қилади. Амалга оширилган таҳлиллар асосида тегишли хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: бизнес субъектлари, молиявий натижа, солиқлар, солиқ солиш, солиқ ставкаси, бевосита солиқ, билвосита солиқлар.

ВЛИЯНИЕ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ НА ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ СУБЪЕКТОВ БИЗНЕСА

DSc, проф. Абдуллаев Зафаржон
Ташкентский университет прикладных наук

Аннотация. В статье рассмотрено влияние налогообложения на деятельность субъектов бизнеса. Налогообложение имеет большое значение в развитии субъектов бизнеса. Величина уплачиваемых бизнесом налогов оказывает непосредственное влияние как на объем издержек, так и на уровень себестоимости продукции и, соответственно, ценообразование. На основе проведенного анализа сформулированы соответствующие выводы.

Ключевые слова: бизнес субъекты, финансовый результат, налоги, налогообложение, налоговая ставка, прямой налог, косвенные налоги.

THE IMPACT OF TAXATION ON THE ACTIVITIES OF BUSINESS ENTITIES

DSc, prof. Abdullaev Zafarjon
Tashkent University of Applied Sciences

Abstract. This article examines the impact of taxation on business activities. Taxation plays a significant role in the development of businesses. The amount of taxes paid by businesses has a direct impact on both the volume of costs and the level of production costs and, accordingly, pricing. The corresponding conclusions are drawn based on the analysis.

Keywords: business entities, financial result, taxes, taxation, tax rate, direct tax, indirect taxes.

Кириш.

Солиқларни оптималлаштириш тадбиркорлик фаоллигини оширишга таъсир этувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Солиқларни оптималлаштириш самараси тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожланиши ва молиявий барқарорлигини ошириш учун реал имкониятларни кенгайтиришида намоён бўлади. Бизнес субъектларининг муайян тарзда тўланиши лозим бўлган солиқлар уларнинг фаолияти натижаларига таъсир қилади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга рақобатбардош маҳсулотлар нарх ва сифат каби мезонлар орқали аниқланиб, солиқлар ушбу мезонларга катта таъсир кўрсатади. Агар маълум бир бизнес субъектига солиқ солиш даражаси юқори бўлса, бу юқори даражадаги солиқлар ишлаб чиқариш омилларининг етишмаслиги оқибатида кейинчалик маҳсулот ҳажми ва сифатининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Солиқларнинг бизнес фаолиятига таъсири ижобий ва салбий нуқтаи назардан баҳоланади. Салбий таъсир бизнес субъектларининг даромадлар даражаси ва инвестицион имкониятларининг камайиши, ишловчи ходимлар ва менежерларининг мотивациясининг пасайишига олиб келади. Солиқларнинг ижобий таъсири эса солиқ солиқларнинг тартибга солувчи функциясини ўз ичига олиб, бу орқали ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигини ошириш учун янги ечимларни келтириб чиқаради (Понкратова ва Цыганкова, 2019).

Адабиётлар шарҳи.

Компанияларнинг ўз активларини қандай манбалар ҳисобига молиялаштириши ва бу молиявий қарорларга таъсир этувчи омилларни тушунтириш учун капитал структурасининг бир қатор назарий ва амалий моделлари таклиф қилинган ҳамда Graham томонидан ушбу моделларга фискал ўзгарувчи киритилган (Graham, 2003). Шунингдек, таъкидлаш жоизки, солиқ солиш соҳасида такроран ўзгартиришлар киритилиши, солиқ солиш тартибларининг турлича талқин қилиш ёки нотўғри қўллаш ҳолатлари бизнесни самарали бошқаришда турли муаммоларга олиб келиши мумкин. Шу боисдан, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан солиқ солиш билан боғлиқ корхона даражасидаги молиявий менежмент умумий менежментнинг муҳим таркибий қисмига айланди (Joumard ва бошқ., 2013). Бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан молиявий кўрсаткичларни белгиловчи капитал рентабеллиги (ROE), активлар рентабеллиги (ROA) ва сотув рентабеллиги (ROS) кўрсаткичларига омиллар таъсири бўйича таҳлиллар амалга оширилган бўлиб, эмпирик таҳлил натижалари шунингдек, бизнес ҳажми ҳамда етарлилик коэффициенти ROA ва ROSга, айниқса ROA га ижобий таъсир кўрсатади, аммо ROEга салбий таъсир кўрсатиши, молиявий левераж ROE ва ROSга сезиларли даражада салбий таъсир этиши, бироқ, ROAга ижобий таъсир аниқланган. Шунингдек, ликвидлик коэффицентининг ўсиши ROA ва ROEга ижобий таъсир қилиши, лекин ROSга салбий таъсири мавжудлиги, тўлов қобилиятининг эса ROA ва ROSга ижобий таъсири, ROEга эса салбий таъсири аниқланган (Nguyen ва Nguyen 2020).

Биринчилардан бўлиб, иқтисодчи олимлар Modigliani ва Millerлар (1958) томонидан компаниялар фаолиятини молиялаштиришни ўрганилган бўлиб, компания молиявий структурасининг таркиби компаниянинг бозор қийматида таъсир этмаслигини асословчи аҳамиятсизлик теоремасини илгари суришган. Хусусан, компаниялар капитал структурасининг таъсирини регрессион таҳлил натижаларида хусусий капиталнинг юқори даражадаги концентрацияси қарздорликни камайтиришга олиб келиши аниқланган. Хорижий капитал концентрацияси компаниялар қарзлари ҳажмининг ўсишига олиб келиши ҳамда бу самаралироқ бошқарув, молиялаштириш манбаси ва инвестиция имкониятларини кенгайтиради. Modigliani ва Miller (1963)

солиққа тортиш концепциясини киритиш орқали ўз назариясини такомиллаштирган ҳамда ҳар қандай солиқ тўловчи компания ўз қийматини максимал даражада ошириш учун ўз қарзи даражасини максимал даражада ошириши керак деган хулосага келган. Мазкур концепцияни умумлаштириб, шуни айтишимиз мумкинки, самарали солиқ ставкаси қарз даражаси билан ижобий боғлиқ бўлишини англатади. Бошқа томондан, иқтисодчи олимлар томонидан эса фоизли харажатларнинг чегирмаларидан ташқари, бошқа омилларга асосланган, яъни солиқ солишдаги амортизация чегирмалари, асосий капиталга инвестицион харажатларни, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик харажатларини чегириб ташлаш каби бошқа солиқ имтиёзлари мавжудлигини кўрсатиб ўтишган (De Angelo ва Masulis, 1980). Шу сабабдан, компаниялар қарз маблағлари жалб қилишдан кўра, мавжуд солиқ чегирмаларига асосланган солиқ имтиёзларига кўпроқ эътибор қаратишлари кераклиги кўрсатиб ўтилган ва таҳлил натижаларидан қарз фоизлари бўйича чегирмалардан бошқа мавжуд солиқ имтиёзлари кредит леверажи билан билан салбий боғлиқ бўлиши керак деган хулоса келиш мумкин. Бундан ташқари, қарз даражасини максималлаштириш ҳақидаги назариялардан фарқли ўлароқ, кутилаётган дефолт эҳтимоли компаниянинг қарздорлик даражаси билан ижобий боғлиқдир, бу фойда олиш ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажариш қобилиятига ишончнинг пасайишини англатади (De Angelo ва Masulis, 1980).

Агар компаниялар асосан ўз активларини узоқ муддатли кредитлаш орқали молиялаштиришни амалга оширган ҳолда, активлар даромадлиги ва қарз даражаси ўртасида ижобий боғлиқликни аниқланиш зарур ҳисобланади. Эмпирик таҳлиллар натижасида левераж рентабелли компанияларда юқори бўлиши аниқланган. Қарз даражаси ва компаниянинг рентабеллиги ўртасидаги боғлиқликни ўрганиб, фойдага эга бўлган компанияларда камроқ риск мавжудлиги сабабли, арзонроқ нархда кредит олиш имконияти мавжуд деган мулоҳазалар келиб чиқади (Poitevin, 1989). Бундан фарқли равишда, Myers ва Majlufлар (1984) “Молиялаштириш манбалари рейтинги назарияси”дан (theory of ranking sources of financing) фойдаланган ҳолда, фойдага эга бўлган компаниялар ўз инвестицияларини келгусига ўтказилган фойда ҳисобидан молиялаштиришни афзал кўришларини қайд этишган. Шундай қилиб, ушбу назарияга кўра, фойдага эга бўлган компаниялар бошқа компанияларга қараганда камроқ даражада банк кредитлари ва янги акцияларни чиқариш орқали молиявий ресурслар жалб қилишга мурожаат қилишади. Компания капиталини оширишда қарзлар орқали молиялаштиришга мурожаат қилиш молиялаштириш манбаларига устуворлик беришда охириги чора сифатида қаралади. Ушбу ҳолат, компаниядан ташқаридаги шахсларнинг тўлиқ маълумотларга эга эмаслиги билан боғлиқлиги ва ўз набатида, левераж компаниянинг рентабеллиги билан салбий боғлиқ бўлиши мумкинлигини англатади.

Юқоридагиларни умумлаштириш учун шуни айтишимиз мумкинки, қарз компания қийматини ошириши мумкин, чунки корпоратив солиқ тизимидаги қарз фоизларига солиқ чегирмаларининг мавжудлиги кўпроқ қарз капиталидан фойдаланишда афзалликларни яратади. Қарз капитали билан боғлиқ фоизлар солиқ солинадиган фойдани камайтириши натижасида фискал харажатларни камайтиради. Аммо қарздор компания юқори даражадаги рискка эга бўлиб, қарздор компания эса қарз даражасига нисбатан хусусий капитал рискин оширади. Иккинчидан, компаниянинг даромадлигига таъсир этувчи молиявий структуранинг детерминантларини таҳлил қилишда самарадорлик ROA кўрсаткичи баҳоланган, таҳлилда ROA кўрсаткичи компания қарз билан сезиларли даражада салбий боғлиқлиги аниқланган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, компанияларнинг юқори даражадиги қарздорлиги, бу иқтисодий рентабелликнинг пасайишига олиб келади. Иқтисодий рентабеллик даражаси жуда юқори бўлган компанияларда қарзлар даражаси пастлиги кўрсатиб ўтилган. Бунинг

назарий асослари бўлмаса-да, амалий жиҳатдан моҳияти шундаки, юқори даромадли компаниялар молиялаштириш учун катта қарзлар жалб қилмаслиги мумкин. Уларнинг юқори фойда нормаси, фаолиятини жамғарилган фойданинг катта қисми орқали молиялаштиришга имкон беради (ўзини ўзи молиялаштириш). Солиққа тортиш ва компаниянинг бозор ҳокимияти ўртасида ўзига хос диалектик муносабатлар мавжуд, шу сабабдан, солиққа тортишни камайтириш инструментларига эга бўлади. Бу шуни англатадики, агар солиққа тортиш, айниқса, рентабеллик бозор ҳокимияти билан ортиб боровчи харажатларни рағбатлантиришга олиб келадиган бўлса, бу бозордаги ҳокимиятининг кенгайишига ҳисса қўшади ва мижозларга корпоратив солиқ юкини қисман ўтказишга олиб келади.


Тадқиқот методологияси.

Мақолада солиқ солишнинг бизнес субъектлари фаолиятига турли таъсирлари бўйича илмий адабиётлар кўриб чиқилган. Бизнес субъектлари томонидан тўланган солиқ ва тўловлар миқдори ҳам харажатлар ҳам реализация нархлари даражасига ва шунга мос равишда нархларга бевосита таъсир қилади. Солиқ солишнинг бизнес фаолиятига турли таъсирларини тадқиқ қилишда илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тасвирий статистика, анализ, қиёсий таҳлил, илмий мулоҳаза каби таҳлил усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.


Бизнес субъектлари фаолиятига солиқ солиниши ва солиқ юкининг ҳажми уларнинг жойлашган жойини (солиқ юки энг кам бўлган ҳудудларда ҳаракатланувчи фаолият ва капитални инвестициялаш) ва ташкилий-ҳуқуқий формасини (корпоратив шаклида, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритиш ва бошқалар) фаолият тури (саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, молиявий хизматлар ва бошқалар) солиқ солиш режимини (умумий ёки махсус солиқ режими) ишлаб чиқариш ва молиявий стратегияси танловига бевосита таъсир қилади. Бизнес субъектлари учун солиққа тортиш катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу бизнес субъектлари томонидан тўланган солиқ ва тўловлар миқдори ҳам харажатлар ҳажмига, ҳам ишлаб чиқариш даражасига ва шунга мос равишда нархларга бевосита таъсир қилади. Ўз навбатида, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш таннархи даражаси ҳам, молиявий натижалар даражаси ҳам бизнес субъектлари томонидан тўланадиган солиқлар миқдорига таъсир қилади, бу эса унинг учун қўшимча молиявий юқидир.

Молиявий натижа бевосита бизнес субъектлари, хусусан, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятининг самарадорлигини тавсифлайди. Ҳар қандай тадбиркорлик субъектини иқтисодий фаровонлигининг асоси - бу ривожланишнинг муҳим кўрсаткичи бўлган фойдани максималлаштиришдан иборат. Солиқ тўловлари нафақат жорий, балки келгуси даврларда ҳам тадбиркорлик фаолиятининг барча кўрсаткичларига сезиларли даражада таъсир қилади. ижобий ва салбий нуқтаи назардан баҳоланиши мумкин (1-расм). Солиқларнинг салбий таъсири бизнес субъектларининг даромадлари ва инвестиция имкониятларининг бевосита қисқаришида намоён бўлади. Бу бевосита таъсир солиқларнинг юқори даражадаги фискал функциясини амалга ошириш натижасида юзага келиши мумкин. Солиқларнинг ижобий жиҳатларига ишлаб чиқариш омилларида фойдаланиш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг самарали усуллари татбиқ қилинишда бизнесни билвосита рағбатлантириш киради.



1-расм. Солиқларнинг бизнесни ижтимоий ва молиявий фаолиятига таъсирининг оқибатлари (Зарипова, 2014)

Шундай қилиб, солиқлар бизнес субъектлари фаолиятига турлича таъсир ўтказди. Тадбиркорлик субъектлари солиқларнинг ижобий таъсирини кучайтиришга ва салбий таъсирини сусайтиришга ҳаракат қилишлари лозим. Барча солиқ тўловлари бизнес фаолиятининг барча кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатиб, ушбу таъсир механизми турлича кўрсаткичларда намоён бўлади (2-расм).



2-расм. Солиқ солишнинг бизнес фаолият натижаларига таъсир қилиш механизми (Зарипова, 2014)

Солиқ тўловлари маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига ёки реализация нархига таъсир қилиш орқали маҳсулот қийматини оширади. Масалан, қўшилган қиймат солиғи маҳсулотларни сотиш нархларига катта таъсир кўрсатади, чунки ҚҚС товар, иш, хизматлар нархига белгиланиш орқали киритилади. Ушбу солиқнинг реализация ҳажмига таъсир қилади, чунки товар ва хизматларнинг сотиш қийматини устига ҚҚСни ҳисоблаб реализация қилиниши, бу нархни ўсишига олиб келади ҳамда юқори нарх истеъмолчи талабини пасайишига, охир-оқибатда ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсири бизнеснинг молиявий натижаларида аксини топади.

Маълумки, бизнес субъектларининг асосий мақсади максимал фойда олиш, барқарор молиявий ҳолатни таъминлаш ва компаниянинг бозор қийматини оширишдан иборат. Ҳар қандай компания фаолиятининг асосий якуний молиявий натижаси соф фойда миқдори бўлиб, бу асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш учун ҳам, ташкилот қийматини ва унинг салоҳиятини ошириш учун ҳам зарур шартдир. Бизнес субъектлари томонидан тўланадиган солиқларнинг келиб чиқиши ва таъсири унинг иқтисодий фаолиятининг структураси билан боғлиқ ҳолда фарқланади:

1) статик солиқлар-мулкӣ солиқлар бўлиб, ушбу солиқларнинг асосий таъсири менежерларни даромад келтирмайдиган кераксиз мол-мулклардан халос бўлишга ундайди;

2) динамик солиқлар-суғурта бадаллари, табиӣ ресурслардан фойдаланувчилар учун тўловлар, ҚҚС, акцизлар бўлиб, бу солиқлар олинган ва тўланган пул оқимларига солинади. ҚҚС ва акциз солиғи ишлаб чиқариш ва нархларни самарали тартибга солиши мумкин.

Бизнес субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини солиқлар воситасида самарали тартибга солиш, менежерларни фискал харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқариш омиллари маҳсулдорлигини ошириш орқали фойдани кўпайтиришга мотивация беради. Солиқ солишнинг таъсири бизнес фаолиятга таъсири турлича (ижобий/салбий) бўлиб, шу сабабдан корхоналар фаолиятига солиқ солишнинг оптималлаштириш солиқларнинг ижобий таъсирини ошириш ва салбий таъсирни минималлаштиришдир. Солиқларини оптималлаштириш тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг муҳим омиллардан ҳисобланади. Солиқларни оптималлаштириш натижаси тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожланиши ва самарадорлигини ошириш учун реал имкониятларни кенгайтиришида намоён бўлади.

Солиқ структурасининг иқтисодий ўсишга таъсири ҳақидаги мунозаралар асосан тўғридан-тўғри ва билвосита солиқларнинг нисбий афзалликларига ва айниқса уларнинг бизнеснинг ривожланиши учун қулайроқ муҳит яратиш қобилиятига қаратилган. Мавжуд фикрлар билвосита солиққа тортишни маъқуллайди ва фискал юкни билвосита солиқларга, айниқса истеъмол солиқларига ўтказишни таклиф қилади.

Жумладан, Myles (2009) ушбу йўналишда амалга оширилган тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда деярли барча натижалар даромад солиғидан истеъмол солиғига ўтиш иқтисодий ўсишни таъминлашини кўрсатиб ўтган. Бундан ташқари, сўнгги йилларда баъзи Европа Иттифоқига аъзо давлатларда фискал юкни тўғридан-тўғри солиққа тортишдан билвосита солиққа, хусусан, меҳнат ва капиталдан истеъмол солиқларига ўтказиш тенденцияси кузатилган.

Dackehag ва Hanssonларнинг (2012) таъкидлашича, корпоратив фойда солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи солиқ ставкаларининг иқтисодий ўсишга таъсири бўйича амалга оширилган эмпирик таҳлиллар натижасида ушбу солиқларнинг иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатишини аниқланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, солиқ солишни оптималлаштириш солиқларнинг бизнес самарадорлигига салбий таъсирини камайтириш усулларида бири ҳисобланади. Якуний молиявий натижа сифатида фойдага таъсир қилишдан ташқари, солиқлар корхонанинг молиявий ҳолатини ва унинг самарадорлигини тавсифловчи бошқа молиявий кўрсаткичларга ҳам таъсир қилади.

1-жадвал

Айрим солиқларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатига таъсири (Данчиков ва Коваленко, 2023)

Кўрсаткичлар	Фойда солиғи	Бевосита солиқлар	Билвосита солиқлар
тўлов қобилияти ва ликвидлик	салбий	салбий	таъсир этмайди ёки салбий
молиявий барқарорлик	салбий	салбий	таъсир этмайди ёки салбий
рентабеллик	салбий	салбий	таъсир этмайди ёки салбий
тадбиркорлик фаолияти	салбий	салбий	таъсир этмайди ёки салбий

Бундай кўрсаткичларга рентабеллик, тўлов қобилияти ва ликвидлиги, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, тадбиркорлик фаоллигини келтириб ўтиш мумкин. Солиқ юкининг ортишининг хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолиятига таъсирилари келтирилган (1-жавдал). Юқоридаги таҳлилларнинг барчаси шуни кўрсатадики, одатда фискал юк сифатида эътироф этиладиган солиқлар бизнес субъект фаолияти самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади ва бу ижобий ва салбий оқибатларга олиб келиши мумкин (2-жавдал).

2-жадвал

Солиқларнинг бизнес субъект фаолиятига таъсирининг оқибатлари

Салбий оқибатлар	Ижобий оқибатлар
солиқлар ҳисобига харажатларни ошиши	фойдани ўсиши учун харажатларни камайтириш учун рағбатлантириш
Билвосита солиқлар орқали товарлар нархининг ошиши	ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсиши
истеъмолчининг харид қобилиятининг пасайиши туфайли реализациянинг қисқариши	маҳсулот сифатини ошиши
фойданинг камайтиши	рқобатбардошликни ўсиши
инвестицион фаоллиқнинг пасайиши	сотиш ҳажмини кўпайиши
Ходимлар учун ижтимоий фаравонликни қисқариши	бошқарув самарадорлигини ошиши
молиявий аҳвол ва бизнес фаолиятининг ёмонлашиши	солиқларни режалаштириш ва оптималлаштириш учун имтиёзлар

Солиқларни оптималлаштириш сотилаётган маҳсулотлар сифатини оширишига ижобий таъсир қилиши мумкин, бу эса рақобатбардошликка ижобий таъсир кўрсатади ва истеъмолчиларни жалб қилиш орқали сотиш ҳажми ҳамда яқунда фойдани ўсишига олиб келиши мумкин. Ушбу оқибатлар занжири бошқарув самарадорлигини оширишга ёрдам беради ва бизнес бошқарувини солиқни режалаштиришга рағбатлантиради. Юқоридагиларга асосланиб, ноаниқлик шароитида солиққа тортиш бизнес фаолияти самарадорлигига ва шунга мос равишда унинг молиявий натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади ҳамда фойдани ўсиши ва ишлаб чиқариш омиллари маҳсулдорлигини оширувчи солиқ юкини оптималлаштиришнинг турли усуллари қўлланиши муҳим ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Modigliani va Miller солиққа тортиш концепциясини умумлаштириб, шуни айтишимиз мумкинки, самарали солиқ ставкаси қарз даражаси билан ижобий боғлиқ бўлиши керак. Бироқ Modigliani va Miller теоремаси трансакция харажатларининг юқорилиги, банкротлик, агентлик низолари, нотўғри танлов ва бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда ишламайди. Корпоратив солиқ тизимидаги қарзли молиялаштириш ва улушли молиялаштириш ўртасидаги дискриминацияни камайтиришда қарзлар бўйича фоизларга солиқ чегирмаларининг бекор қилиниши ёки чеклов ўрнатилиши, хусусий капитал даражасини ошишига олиб келади. Компанияларнинг юқори даражадиги қарздорликка эгаллиги, бу иқтисодий рентабелликнинг пасайишига олиб келади. Иқтисодий рентабеллик даражаси жуда юқори бўлган компанияларда қарзлар даражаси паст бўлиши қайд этилган.

Солиқ структурасининг иқтисодий ўсишга таъсири ҳақидаги мунозаралар асосан тўғридан-тўғри ва билвосита солиқларнинг нисбий афзалликлари ва айниқса уларнинг бизнеснинг ривожланиши учун қулайроқ муҳит яратиш қобилиятига қаратилган. Мавжуд фикр ва мулоҳазалар билвосита солиққа тортишни маъқуллайди ва фискал юкни билвосита солиқларга, айниқса истеъмол солиқларига ўтказишни таклиф қилади. Мулк солиғи иқтисодий ўсиш учун энг қулай бўлиб, ундан кейин истеъмол солиқлари, кейин эса жисмоний шахслар даромад солиғи ҳисобланади. Шу билан бирга, корпоратив фойда солиғи ўсишга энг салбий таъсир кўрсатадиган солиқ ҳисобланади. Корпоратив солиқнинг ишлаб чиқариш унумдорлиги ва инвестицияларга салбий таъсири кўрсатиб ўтилган. Турли тадқиқотлар натижаси истеъмол солиқларини ошириш ва меҳнат ва капиталга солиқларни камайтириш бизнесни иқтисодий ўсишини рағбатлантириши мумкинлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, бошқа тадқиқотлар шуни таъкидлайдики, солиқ ва солиқ структураси турли мамлакатлар ва даврлар ҳамда турли шароитларда иқтисодий фаолиятга турлича таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқори самарали мол-мулк солиғи ставкаси инвестицияни пасайишига олиб келади. Шуни таъкидлаш жоизки, кўчар мулкни солиққа тортишни тартибини бекор қилиниши солиқ имтиёзи эмас, балки умум эътироф қилинган ва асосланган нормадир. Кўчар мулкни солиққа тортишга қайтиш салбий таъсирларнинг кучайишига олиб келади

Адабиётлар /Литература/References:

Dackehag, M. and Hansson, A. (2012) 'Taxation of income and economic growth: An empirical analysis of 25 rich OECD countries', Department of Economics, Lund University, Working Paper.

De Angelo, H. and Masulis, R.W. (1980) 'Optimal capital structure under corporate and personal taxation', *Journal of Financial Economics*, 8(1), pp. 3–29.

Diamond, P. and Mirrlees, J. (1971) 'Optimal taxation and public production (I)', *American Economic Review*, 61, pp. 8–27.

Diamond, P.A. and Mirrlees, J.A. (1971) 'Optimal taxation and public production II: Tax rules', *American Economic Review*, 61, pp. 261–278.

Graham, J.R. (2003) 'Taxes and corporate finance: A review', *The Review of Financial Studies*, 16(4), pp. 1075–1129.

Jourard, I., Pisu, M. and Bloch, D. (2013) 'Tackling income inequality: The role of taxes and transfers', *OECD Journal: Economic Studies*, 2012(1), pp. 37–70.

Mankiw, N.G. et al. (2009) 'Optimal taxation in theory and practice', *Journal of Economic Perspectives*, 23(4), pp. 147–174.

Modigliani, F. and Miller, M. (1958) 'The cost of capital, corporation finance and the theory of investment', *The American Economic Review*, 48, pp. 261–297.

Modigliani, F. and Miller, M. (1963) 'Corporate income taxes and the cost of capital: A correction', *The American Economic Review*, 53, pp. 433–443.

Myers, S.C. and Majluf, N.S. (1984) 'Corporate financing and investment decisions when firms have information that investors do not have', *Journal of Financial Economics*, 13(2), pp. 187–221.

Myles, G. (2009) *Economic Growth and the Role of Taxation*. OECD Economic Department, Working Paper No. 714.

Nguyen, T.N.L. and Nguyen, V.C. (2020a) 'The determinants of profitability in listed enterprises: A study from Vietnamese Stock Exchange', *The Journal of Asian Finance, Economics and Business*, 7(1), pp. 47–58.

Nguyen, T.N.L. and Nguyen, V.C. (2020b) 'The impact of capital structure on firm performance: Evidence from Vietnam', *Journal of Asian Finance, Economics and Business*, 7(4), pp. 97–105.

Poitevin, M. (1989) 'Financial signalling and the "deep-pocket" argument', *The RAND Journal of Economics*, 20(1), pp. 26–40.

Ramsey, F.P. (1927) 'A contribution to the theory of taxation', *The Economic Journal*, 37(145), pp. 47–61.

Данчиков, Е.А. and Коваленко, С.Н. (2023) 'Анализ современных подходов к оценке влияния налогов на эффективность деятельности экономических субъектов в условиях неопределенности' [online]. Available at: <https://vest.rea.ru/jour/article/viewFile/1689/1105>

Зарипова, Н.Д. (2014) 'Анализ влияния налогов на результаты деятельности организаций' [online]. Available at: <https://cyberleninka.ru/article>

Понкратова, А.П. and Цыганкова, В.Н. (2019) 'Анализ финансовых результатов деятельности организации', *Современные научные исследования и инновации*, 5 [online]. Available at: <https://web.snauka.ru/issues/2019/05/89354>